

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВ УЛУГБЕК АБДУРАШИДОВИЧ

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ВА КЎКРАК ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ГИРШПРУНГ
КАСАЛЛИГИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ ВА УСУЛИНИ
ТАНЛАШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хамроев Улугбек Абдурашидович

Чакалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда

Гиршпрунг касаллигини хирургик

даволаш тактикаси ва усулини танлаш..... 3

Хамроев Улугбек Абдурашидович

Выбор тактики и способа хирургического

лечения болезни Гиршпрунга у

новорожденных и грудных детей..... 24

Khamroev Ulugbek Abdurashidovich

The choice of tactics and surgical

treatment methods of Hirschsprung's

disease in newborns and

infants..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВ УЛУГБЕК АБДУРАШИДОВИЧ

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ВА КЎКРАК ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ГИРШПРУНГ
КАСАЛЛИГИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ ВА УСУЛИНИ
ТАНЛАШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИНинг АННОТАЦИЯСИ**

САМАРҚАНД – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019/2/PhD/Tib1012 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учтилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Салимов Шавкат Тешаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Жамшид Азаматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01-рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70-уй, СамДТИ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 8(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ахборот—ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 18-уй, Тел/факс: (+99866)-233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г. З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ж. О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда туғма нуқсонлар болалик ўлимининг энг муҳим сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Гиршпругн касаллиги (ГК) туғма нуқсонларнинг бир кўриниши бўлиб, болаларда йўғон ичак патологиялари орасида катта улушни ташкил қилади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...туғма нуқсонларнинг умумий улушидан ошқозон-ичак тракти патологияси 25% гача учрайди ва туғма нуқсонлар орасида учинчи ўринни эгаллайди...операциядан кейинги эрта асоратлар 9,1-77% ни ташкил этиб, даволашнинг қониқарсиз функционал натижаларига олиб келиши ва такрорий реконструктив операцияларга 13% ҳолларда эҳтиёж борлиги аниқланган»¹. Айни пайтда туғма ривожланиш нуқсонларининг оғир асоратларини олдини олиш учун патогенетик жихатларини ахамиятга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш, жарроҳлик амалиётини такомиллаштириш, тиббиётда энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ГКни эрта босқичларида ташхислаш, касалликни келтириб чиқарувчи ва ўткир кечишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, даволаш ва асоратларни олдини олиш усуллари такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда йўғон ичак туғма нуқсонларидан ГКни хирургик даволаш, унинг анатомик шаклига, кечувига қараб резекция соҳасини танлаш ва операциядан кейинги асоратларни олдини олиш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббий хизмат сифатни тубдан яхшилаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларини кенгайтириш, жумладан, туғма аномалияли болаларга эрта ташхис қўйиш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, нерв урамларининг атрофияси ва проксимал супрастенотик кенгайган соха дизганглиозини эътиборга олган ҳолда ГКни эрта ташхислашни оптималлаштириш ва йўғон ичакни трансанал эндоректал тушириш (ЙИТЭТ) операцияси натижаларини баҳолаш орқали жарроҳлик даво усуллари

¹World Health Organization. Congenital anomalies. fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. <http://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

такомиллаштириш асосида янги туғилган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГК асоратлари туфайли юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ГКга чалинган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда кўп босқичли даволаш тактикаси қайта кўриб чиқилмоқда. Касалликни ташхислаш жараёнида клиник, рентгенологик ва морфологик текшириш натажаларига етарли даражада ёндашмаслик чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси ва усуллари танлашга салбий таъсир кўрсатади. ГКга чалинган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда касалликнинг клиник кўриниши бошқа ёшдаги болалардан сезиларли даражада фарқ қилади. Уларда асосан компенсирланган ва субкомпенсирланган кечуви кўп учрайди. 25% ҳолларда радиологик ва морфологик маълумотлар орасида тафовутлар аниқланади (О.А. Говорухина 2017; Н.Н. Ахпаров 2018; Luis De la Torre at. all. 2017). Бола туғилган вақтида интермурал, ганглионар ҳужайралар тўлиқ морфологик ривожланмаганлиги исботланган бўлиб, бунда тўғри ичакнинг биопсияси ишончсиз усул ҳисобланади. Биопсия материални фақат шиллик қаватдан ёки йўғон ичакнинг барча мушак - ости қаватларидан олиш масалалари мунозарали бўлиб қолмоқда. Бошқа томондан, кўкрак ёшдаги болаларда кеч ташхислаш ва ноадекват даволаш тактикаси танлаш даволашнинг салбий натижаларга олиб келади (А.Л. Ионов, Я.П.Сулавко, 2016; M.L.Westfal at.all., 2018). Шундай қилиб, кўкрак ёшдаги болаларда ГК ни клиник, рентгенологик ва морфологик диагностика таҳлилларини

эътиборга олган ҳолда жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда кўкрак ёшдаги чақалоқларда ГК нинг дистал шаклларида асосан, кам травматик йўғон ичакнинг трансанал эндоректал йўл билан тушириш усули тавсия этилади (ЙИТЭТ), бу эса кенгайган ичакда резекция жойини аниқлашга имкон беради (Tran V.Q., Lam K.T., Truong D.Q. et al.2016). Кўкрак ёшдаги болаларда ГК ни хирургик даволашда жарроҳлик усули касалликнинг анатомик шаклига, касалликнинг кечувига қараб дифференциация қилинган ҳолда резекция сатҳини танлашни талаб қилади (Yoshitomo Y, Syoichi N, et al.2017). Операциядан кейинги эрта ва кечки даврларда ҳар тўртинчи операция ўтказган болаларда қуйидаги асоратлари учрайди: анастомоз етишмовчилиги, перитонит, туширилган ичак томирининг некроз, пароректал клетчаткасини йиринглаши, футляр ораси абсцесси, анастомоз торайиши, ахлат тутолмаслик, нажас суркалиши, ахлат келишининг кучайиши ва қабзият рецидивлари, булар эрта операциядан кейинги даврда 77% ни ташкил этиб, даволашнинг қониқарсиз функционал натижаларига олиб келади, ҳамда 13 % ҳолларда такрорий реконструктив операцияларга эҳтиёж яратади (В.Н.Грон ва бошқ., 2012; М.Р.Давлятов, 2016; В.В. Сытьков ва бошқ., 2017; Вохидов А.Ш., 2018).

Мамлакатимизда охириги йилларда ГКни ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бироқ, замонавий текширувларда касалликнинг оғир асоратларни ҳанузгача учраши, кўкрак ёшдаги болаларда текширув тактикаси, жарроҳлик усуллари танлаш, ҳамда резекция сатҳини танлаш, жарроҳлик амалиёти пайтида ва даволанишдан кейинги эрта ва кечки муддатлардаги асоратлар тавсифидаги фарқлар бўйича илмий ишларга кам эътибор берилмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган ГКни даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, ГКни эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлар режасига мувофиқ № 01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш» (2014-2018 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади турли хил операция усуллариининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш йўли орқали чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда Гиршпрунг касаллигини жарроҳлик даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот масалалари:

чақалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКни клиник кечиши ва

рентгенологик диагностикаси натижаларини таҳлил қилиш;

касалликнинг шакли ва кечишига боғлиқ тарзда кўкрак ёшдаги болаларда қорин-оралиқ проктопластикаси (ҚОПП) ва йўғон ичакни трансанал эндоректал тушириш (ЙИТЭТ) операциялар натижаларининг солиштира таҳлилини амалга ошириш;

гистоморфологик текширув орқали йўғон ичак резекция сатҳини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

операцияга кўрсатма ва ўтказиш муддатини оптималлаштириш, чақалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда ГҚни трансанал усули самарадорлигини баҳолаш;

касалликнинг анатомик шакли ва кечиши билан боғлиқ ҳолда чақалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда ГҚни даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиник базаларида ГҚ нинг турли шакллари билан қорин-оралиқ проктопластикаси ва йўғон ичакни трансанал эндоректал тушириш операциялари қўлланилган 75 нафар чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болалар олинган.

Тадқиқот предмети венوز қон, капилляр қон, биокимёвий тадқиқотлар учун қон зардобини, копрологик ва гистоморфологик таҳлил учун биоптат материаллари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, копрологик, рентгенологик, гистоморфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўкрак ёшдаги болаларда учрайдиган Гиршпрунг касаллигида йўғон ичак резекция қилинган сохаларидаги патоморфологик ўзгаришлар колитнинг пролифератив яллиғланиш, атрофик-склеротик ва шиш-деструктив морфологик шаклларида бирига олиб келиши асосланган;

кўкрак ёшдаги болаларда Гиршпрунг касаллигида йўғон ичакда капростаз ҳисобига нерв тугунларининг иккиламчи деструкцияси, нерв урамларининг атрофияси ва проксимал супрастенотик кенгайган участка дизганглиози ривожланиши асосланган;

Гиршпрунг касаллигида ичакнинг супрастенотик кенгайган қисмининг 5 см гача бўлган ораликда гипо-, дизганглионар сохалари учраши операциядан кейинги узок муддатларда гипоперистальтикага олиб келиши аниқланган;

Гиршпрунг касаллигининг дистал шаклларида йўғон ичакни трансанал эндоректал тушириш жаррохлик амалиётининг қўллаш кичик чанок аъзоларини жароҳатланиши ва қон йўқотишларни камайишига олиб келиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган алгоритмда чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГҚни ташхислаш, даволаш тактикаси ва хирургик коррекция усулини тўғри танлаш, операциядан кейинги асоратлар сонининг камайиши ва ҳаёт сифатини ошириши аниқланган;

ГКнинг турли шаклларида операция вақтидаги экспресс-биопсия ва морфологик диагностика усулини қўллаш йўғон ичакнинг супрастенотик кенгайган соҳаси резекция поғонасини максимал равишда белгилаб олишга имкон яратган;

колоанал анастомоз стенозини олдини олиш учун йўғон ичакни трансанал эндоректал туширишдан кейин 12-14 кунларда анусни бужлашни бошлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКни ирригография текширувида сувда эрувчи контраст моддани (триомбрас, урографин ва б.) ишлатиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, антропометрик ва статистик тадқиқот усуллари асосида ГКни анатомик шакли ва кечишини ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий тиббиёт учун муҳим бўлиб, клиник-функционал, биокимёвий, инструментал маълумотларни баҳолаш орқали чақалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда ГК ривожланишининг патогенетик механизмларини очиқ бериш, эрта ташхислаш ва хирургик даволашни такомиллаштириш учун қўшимча диагностика ва даволаш мезонлари таклиф қилиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКни ташхислаш, даволаш тактикаси ва хирургик коррекция усулини тўғри танлаш, йўғон ичакни трансанал эндоректал тушириш операциясини қўллаш ГКнинг дистал шаклида хирургик даволаш натижаларини яхшилашга имкон бериши, касалхонада даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш ҳавфини камайитириш ва беморлар саломатлигини сақлашга эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволаш тактикаси ва усулини танлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Гиршпрунг касаллиги билан касалланган кўкрак ёшдаги болаларда касалликни эрта аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Кўкрак ёшдаги болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 8н-р\466-сон хулосаси). Натижада ГК билан оғриган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда даволаш – диагностик алгоритмни қўллаш орқали касалликни эрта босқичларда аниқлаш, хирургик даволаш усулини энг

самарали турини танлаш, асоратларни камайтириш, шунингдек, касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш имконини беради;

Гиршпруг касаллиги билан касалланган беморларда патологияни эрта аниқлаш ва самарали хирургик даволаш усулини танлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Қашқадарё вилоят болалар тиббиёт марказида ва Тошкент шаҳри 1-шаҳар клиник болалар шифохонаси клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-з\257-сон хулосаси). Натижада ГК бор болалар диагностикаси ва даволаш сифатини оширишга замин яратиб, асоратлар частотасини 2,1 баробар камайтиришга, даволаш давомийлигини 31,5% га қисқартиришга ва даволаш учун харажатларни 29,2% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, якуний қисм, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талабгорлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, апробация ва иш натижаларининг нашр этилганлиги, диссертация ишининг ҳажми ва тузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб - “Гиршпруг касаллигининг замонавий аспектлари” деб номланган ва унда адабиётлардаги касалликнинг частотаси, тарқалиши, клиник-анатомик шакилларининг этиопатогенези, таснифи, диагностик текширувлар, хирургик даво усуллариининг тарихи бўйича маълумотлар таҳлили таърифланган. Даволашнинг эрта ва кечки натижалари ечимини талаб этадиган чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ГКни эрта ташхис қўйиш ва хирургик даволашнинг дискуссион масалалари тақдим этилган.

Иккинчи «Материаллар ва тадқиқот усуллари» деб номланган бобида материаллар ва текширув усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Иш 2010 йилдан 2020 йилгача бўлган оралиқдаги РПМ, 1-ШКБШ, 2-ШКЖБШ клиник базаларда ГКга чалинган 75 нафар беморларни диагностика ва даволаш натижалари таҳлиliga асосланган. Болалар ёши 1 кунликдан 12 ойликгача бўлган. Ўғил болалар сони 62 нафарни (82,7%), қиз болалар сони 13 нафарни (17,3%) ташкил этди (1 жадвал).

1 жадвал.

ГКга чалинган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тузилмаси (n-75)

Ёши (ой)	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами (%)	
	абс.сон.	%	абс.сон.	%	абс.сон.	%
Чақалоқлар	7	9,3	2	2,7	9	12
28 кун– 3 ой	9	12,0	6	8	15	20,0
3–6 ой	22	29,3	1	1,3	23	31,0
6–9 ой	12	16,0	3	4,0	15	20,0
9–12 ой	12	16,0	1	1,3	13	17,3
Жами	62	82,7	13	17,3	75	100

Текширилган болалардан 53 (71%) нафари 28 кунликдан 9 ойгача бўлган ёшда. Ўғил болалар ва қизлар нисбати 5:1 ни ташкил этади.

Биз А.И.Лёнюшкин (2009 й) томонидан таклиф этилган таснифдан фойдаланилган. Мазкур таснифга биноан биз ГКнинг қуйидаги анатомик шакллари ва клиник кечишини аниқладик (2 жадвал).

2 жадвал

Чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКнинг анатомик шакллари ва клиник кечиши.

Анатомик шакиллари	Клиник кечиши						Жами (%)	
	Компенсацияланган		Субкомпенсацияланган		Декомпенсацияланган			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ректал								
1. Супер қисқа аганглионар сегмент	-	-	-	-	-	-		
2. Қисқа аганглионар сегмент	6	8	7	9,3	-	-	13	17,4
Ректосигмоидал								
1. Сигмасимон ичакнинг дистал қисми зарарланиши	5	6,7	29	38,7	1	1,3	35	46,7
2. Сигмасимон ичакнинг ярми ва бутунлай зарарланиши	-	-	15	21,3	4	5,3	19	25,3
Субтотал								
1. Чамбар ичакнинг чап ярмининг зарарланиши (талоқ эгрисига қадар)	-	-	3	4	2	2,7	5	6,7
2. Чамбар ичакнинг ўнг ярмининг зарарланиши (жигар эгрисига қадар)	-	-	1	1,3	1	1,3	2	2,6
Тотал								
1. Ён бош ичакнинг дистал қисмининг зарарланиши	-	-	-	-	1	1,3	1	1,3
Натижа	11	14,7	55	73,3	9	11,9	75	100

Изоҳ: Гиршпругн касалигининг анатомик шакли инобатга олинган.

75 та текширилган беморлар ичидан ГКнинг қуйидаги шакллари аниқланди: ректал шакли –13 (17,4%) нафар болада; ректосигмоид –54 (72,0%) нафар; субтотал –7 (9,3%) ва тотал –1 (1,3%) нафар болада. ГКнинг дистал шакли умумий 67 нафар (89,4%) болада, компенсацияланган ва субкомпенсацияланган кечиши эса 66 нафар (88%) болада аниқланди.

54 нафар (72%) чақалоқ ва кўкрак ёшдаги болада бирламчи ташхис клиникада қўйилган, 21 нафар (28%) болада эса аввал қўйилган ташхис билан ёки ташхисни аниқлаштириш мақсадида клиникага ётказилган. 14 (18,7%) нафар чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКнинг проксимал ва декомпенсацияланган шаклиларида стома қўйилди: илеостома 1 нафар (7,1%) беморга; трансверзостома–6 нафар (43%); сигмастома–7 нафар (50%) беморга қўйилди.

Клиникада текширув ўтказилганда қуйидаги хамроҳ касалликлар аниқланди: анемия - 59 (78,7%) нафар болада, гипопротеинемия-32 (42,7%), гипотрофия-21 (28%) нафар болада. 20 (26,7%) нафар кўкрак ёшдаги болаларда неврологик касалликлар аниқланди. Хамроҳ касалликлар, бошқа аъзо ва тизимларнинг туғма нуқсонлари ГКга чалинган 25 нафар (33,3%) болаларда аниқланди.

ГКни аниқлаш мақсадида биз қуйидаги текшириш усулларини қўлладик:

клиник (касаллик анамнезига катамнези; объектив текширувлар; аноректал соҳанинг кўриги; тўғри ичакни *per rectum* текшириш); лаборатор (қоннинг ёйилган таҳлили, қонни биокимёвий таҳлили: умумий оқсил, мочевино, билирубин, қанд микдори, С-реактив оқсил; коагулограмма; копрология, нажасни бактериологик текшируви, сийдикнинг умумий таҳлили); рентгенологик (полипозицион ирригография, кенг қамровли рентгенография); УТТ (трансабдоминал, трансперинеал); морфологик текширувлар (резекция қилинган йўғон ичак участкаси биоптатларини текшируви).

Операция усулининг самарадорлигини беморлар гуруҳлари бўйича баҳоладим. Асосий гуруҳга – 34 нафар ЙИТЭТ операцияси ўтказилган беморлар киритилди, назорат гуруҳига эса ҚОПП ўтказилган 32 нафар бола киритилди.

Хирургик даво нафақат асосий босқич – радикал операциядан иборат, балки колостома қўйишни ҳам ичига қамраб олган.

Субтотал шаклда қовузлоқли колостомага устунлик берилди, тотал шаклда – илеостома қўйилди.

2017–2020 йилларда биз кўкрак ёшдаги болаларда ЙИТЭТ (Де ла Торре - Мондрагон) методикасини тўлиқ ўзлаштирдик. Операциянинг асосий лаҳзалари қуйидагилардан иборат эди:

– бемор операцион столда қоринда, чанок остига валик қўйилган ҳолатда ётади, оёқлар ёзилган; бунда ичак асоси қон томири юқорида

жойлашади, бу визуализацияни осонлаштиради ва қулай ёндошувни яратади;

- демукозация қилинган сероз-мушак цилиндрнинг узунлиги 3-5 см дан ошмайди; бу пастга туширилган ичакни аганглионар цилиндр томонидан қисилишини олдини олиш учун етарлидир;

- колоректал анастомоз бир қатор тугунчали чоклар билан қўйилади, бу ичакни пастга туширилган каналда мустахкам туришини таъминлайди ва унинг ретракция бўлишига йўл қўймайди;

- колоректал анастомознинг ретракциясини олдини олиш учун ташқи футляр ва пастга туширилган ичак орасига тугунчали чоклар қўйилади;

- анастомоз қўйилишида шиллиқ пардани яхшироқ мослаштириш учун прецизион техника қўлланилади, бу анастомозни мустахкамлайди, чандикни юпқа ва нозик бўлишини таъминлайди, унинг стенозланишини олдини олади;

- анастомоз қўйилишида кичик диаметрли сўриладиган материалдан фойдаланилади – викрил ва ПДС 3/00 ва 4/00, бу анастомоз соҳасида яллиғланиш ва чандик ҳосил бўлиш жараёнини камайтиради.

Операциядан кейинги даврда эрта балансланган энтерал озиқлантириш, туширилган ичакнинг перисталтикаси тикланишига ва ошқозон ичак тракти пассажиани меъёрлашишига кўмаклашади. Одатда, 96 % ҳолларда болаларни озиқлантириш 1-2 суткасида бошланган, биринчи нажас 2-3 суткада келган. Хамроҳ касалликлари мавжуд, колостомали ва тана вазни кичик бўлган кўкрак ёшдаги болаларга балансланган энтерал озиқ аралашмалари буюрилган.

Дисбактериоз ходисалари биоценознинг дастлабки бузилиши, шунингдек уни операциядан кейинги даврдаги антибактериал терапиясидан сўнг иккиламчи бузилишлари туфайли операциядан олдин ва кейин ҳам беморларда кузатилган. Шунинг учун барча пациентларга микрофлорани меъёлаштирувчи препаратлар буюрилган – пробиотик ва пребиотиклар.

Колоректал анастомозининг тикланиши жараёнининг 2-4 хафтасида анастомозит кузатилиши мумкин. Ушбу давр нормал нажас келиши муддати, ичак дисбактериози симптомлари бартараф этилиши даврига тўғри келади. Анастомоз стенозини олдини олиш мақсадида операциядан кейинги 10-14 кунларида бужлаш амалга оширилди.

Радикал операциядан кейинги кечки натижаларни баҳолаш мақсадида 56 нафар (74,7%) болаларда бал шкаласи бўйича сўровнома ўтказилди (3 жадвал).

**ГКнинг операциядан кейинги кечки натижаларини баҳолаш учун
сўровномадаги саволлар рўйхати**

Баҳолаш критерияси	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
1. Қорин дам бўлиши	Йўқ	Қисман	Вақти-вақти билан	Кўпинча	Доимий
2. Дефекация актини қийинлашуви	Йўқ	Қисман	2 кундан сўнг қийинчилик билан, лекин мустақил	3-4 кундан сўнг, лекин мустақил	4-6 кундан сўнг, клизма ёрдамида
3. Дефекация истагининг мавжуд эмаслиги	Сақланган	Сақланган, қисман ўзи истамаган холда суяқ ахлат фонида	Сақланган нормал ич келганда, бузилган-суяқ ахлат фонида	Бузилган, дефекация истаги суст	Бузилган, дефекация истаги йўқ
4 Дефекация истагининг йўқлиги билан нажас суркалиши	Йўқ	Қисман, суяқ ахлат фонида	Вақти-вақти билан	Кўпинча	Доимий
5. Нажасни тута олмаслик	Йўқ	Қисман	Вақти-вақти	Кўпинча	Доимий
6. Энтероколит	Йўқ	Йилда 1 марта	Йилда 2 марта	Йилда 3-4 марта	Доимий

Агар йиғилган балл 0-6 бўлса, бу холда натижа жуда яхши ҳисобланади.

6-12 баллда – даволаш натижаси яхши деб баҳоланади, профилактик реабилитацион даво буюрилади ва 6 ойгача диспансер назоратида бўлади.

12-18 баллда – даволаш натижаси қониқарли деб баҳоланади, бунда реабилитацион даво буюрилади ва асоратнинг тўлиқ бартараф этгунча 1 йил мобайнида диспансер назоратида бўлади.

Натижа қониқарсиз деб 18 ва ундан орқит балл йиғилганда ҳисобланади. Беморларга асоратни хирургик йўл билан даволаш тавсия қилинади кейин эса реабилитация давом этирилади. 1-2 йилгача тўлиқ диспансер назоратида бўлади.

Учинчи боб « Чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда Гиршпрунг касаллигини клиник-морфологик текшируви» деб номланган. Бобда касалликнинг клиник кечиши хусусиятлари ва морфологик текширув усуллари ёритилган. ГКнинг клиникаси 75 нафар болада ўрганилди, улардан 9 нафари (12%) янги туғилган чақалоқлар. Анатомик шаклларида ректал шакли 13 нафар (17,3%) болада; ректосигмоидал – 54 нафар (72 %); субтотал – 7 нафар (9,3%), тотал шакл – 1 нафар (1,3) болаларда аниқланди. Клиник кечиши бўйича:

декомпенсацияланган шакл – 9 нафар (12%); субкомпенсацияланган – 55 нафар (73,3%); компенсацияланган – 11 нафар (14,7%) болаларда кузатилди.

ГКнинг диагностикаси айниқса янги туғилган чақалоқларда қийинчилик туғдиради. Чақалоқларда ГКнинг клиникаси касалликнинг клиник кечувига боғлиқ бўлади. Декомпенсацияланган даврида 9 нафар чақалоқда (хаётининг 1-3 куни) пастки ичак тутилиши симптомлари кузатилди: кўп миқдорда ўт сафро қайд қилиш, меконий, газлар ажралиши йўқлиги ва қорин олд деворида ичак перистальтикасининг кўриниши. Ушбу беморларда қорин бўшлиғи умумий рентгенограммасида горизонтал сатх (Клойбер косачалари) аниқланади. 9 (12%) нафар чақалоқга “туғма паст ичак тутилиши” ташхиси билан шошилишч оператив муолажа ўтказилган ва ГК ташхиси интраоперацион вақтда қўйилган.

ГКнинг субкомпенсацияланган даврига (55 нафар бемор), иштаҳанинг йўқолиши, қусиш, ич қотиши, метеоризм белгилари хосдир. Мунтазам тозаловчи хукналар бола аҳволини яхшилашишига олиб келади. ГКнинг субкомпенсацияланган даврида 50 (90%) ҳолатда ректосигмид, 5 (10%) ҳолатда эса ректал шакллари аниқланганди. ГКнинг компенсатор даври 8 нафар (10,7%) болаларда кузатилди.

7 кундан 12 ойгача бўлган 26 нафар кўкрак ёшдаги болаларда ГКда резекция қилинган йўғон ичакнинг қисмларини мақсадли морфологик текшируви амалга оширилди.

Морфологик текширув натижаларига кўра болалар 3 та гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳда (8 та) ичакнинг аганглиоз соҳасида сурункали яллиғланиш инфильтрацияси ва склероз аниқланди. Иккинчи гуруҳда (7 та) ичакнинг ўтувчи соҳасида нерв ганглияларининг йўқлиги, шиллик ости ва ичак деворининг мушак қавати интерстициясида бириктирувчи тўқиманинг диффуз ўсиб кетиши аниқланди. Учинчи гуруҳда (9 та) ганглиялар атрофияси ва шиш-деструктив ўзгаришлар устунлиги ва ичак лимфоид аппаратининг зарарланиши кузатилди.

Комплекс патоморфологик текширув шуни кўрсатдики, кўкрак ёшдаги болаларда ГКда сурункали колит хисобига биринчи гуруҳда–сурункали яллиғланиш, иккинчи гуруҳда – атрофик склеротик, учинчи гуруҳда – шиш– деструктив яллиғланишлар йўғон ичакнинг иннервация структураси ўзгаришига ва атрофиясига олиб келиши аниқланган. Йўғон ичакнинг кенгайган соҳаси микроскопик текшируви натижалари кўра, ичакнинг асосий шиллик остида қавати шахсий пластинасига диффуз ёки ўчоқли яллиғланиш жараёнининг ўтиб кетиши ва сақланганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, кўкрак ёшдаги болаларда ГКда йўғон ичак торайган ва кенгайган соҳалари микроскопик текширувлар натижасига асосланиб сурункали колитнинг морфологик тури аниқланди: пролифератив, склеротик ва шиш–деструктив яллиғланишлар.

Йўғон ичакнинг проксимал қисмида нерв аппарати дисганглиоз ва гиперганглиоз кузатилиши, яллиғланиш ва нерв шикастланиши жараёни давом этаётганидан далолат беради. Дисганглиоз жараёни ичакнинг проксимал 3-5 см.гача узунликда бўлиши мумкин.

Бундай ГКнинг патоморфологик ўзгаришларнинг мавжудлиги операциядан кейин узоқ муддатларда рецидив сабаби бўлиши мумкин. Ичак деворининг супрастенотик кенгайиши зонасида шиш-деструктив жараён ўчоқли бўлиб, асосан шиллиқ ости қавт ва шиллиқ пардани зарарлантирган эди. Нерв аппарати томонидан дисганглиоз ва гиперганглиоз белгилари аниқланди. Шиллиқ, шиллиқ ости парда ва нерв аппаратининг кўрсатилган патоморфологик ўзгаришлари 5 см гача узунликдаги резекциядан сўнг кузатилиши ва касаллик рецидивига олиб келиши мумкин.

Гистоморфологик текширув маълумотлари ГКнинг ректал ва ректосигмоидал шаклларида резекция поғонасининг оптимал юқори чегарасини аниқлашда ёрдам беради. Ҳатто супрастенотик соҳасининг биров кенгайишида ҳам нерв тугунларининг дисганглионар ва “етилмаган” ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун биз супрастенотик кенгайган соҳадан 5 см юқоридан кенг резекция қилишни тавсия этамиз. Ушбу резекция соҳаси касаллик рецидивини олдини олиш учун энг оптимал соҳа деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчи «Чақалоқ ва кўкрак ёшдаги болаларда Гиршпрунг касаллигининг хирургик даволаш натижалари» деб номланган бобида хирургик даволаш усуллари келтирилган. Ҳозирги даврда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилмоқда, булар Соаве модификацияси бўйича (Болей, Лёнюшкин) ҚОПП ва ЙИТЭТ (Де Ла Торре-Мондрагон). Ушбу методикалар кўкрак ёшдаги болаларда қўллаш кўрсатмаларни оптималлаштиришни талаб этади. Усулни дифференциацияланган танлови касалликнинг анатомик шакли, компенсация даражаси ва кечишига боғлиқдир.

Оператив усуллариининг самарадорлигини таққослаб баҳолаш мақсадида беморлар икки гуруҳга тақсимланди. Асосий гуруҳ – 34 нафар ЙИТЭТ ўтказилган беморлар; назорат гуруҳи – 32 нафар Соаве (Болей, Лёнюшкин) бўйича ҚОПП ўтказилган беморлар. Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларни ёши ва касаллик шакллари бўйича тақсимланиши 4 жадвалда келтирилган.

4 жадвал.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларни ёши ва касаллик шакллари бўйича тақсимлаш (n=66)

ГК шакллари		Назорат гуруҳи				Асосий гуруҳ				Натижа
		1-3	3-6	6-9	9-12	1-3	3-6	6-9	9-12	
Ректал	абс.	-	4	2	1	-	2	2	2	13
	%	-	12,5	6,3	3,1		5,9	5,9	5,9	19,7
Ректосигмоид	абс.	-	5	5	10	11	12	4	1	48
	%	-	15,6	15,6	31,3	32,4	35,3	11,8	2,9	72,7
Субтотал	абс.	-	2	3	-	-	-	-	-	5
	%	-	6,3	9,4						7,6
Тотал	абс.	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	%	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами:	абс.	-	11	10	11	11	14	6	3	66
	%	-	16,7	15,2	16,7	16,7	21,2	9,1	4,5	100
		32 (48,5%)				34 (51,5%)				

Изоҳ: назорат гуруҳига нисбатан олинган.

ГКга чалинган беморларнинг назорат гуруҳида хирургик коррекция натижалари.

2010-2017 йилларда 32 нафар кўкрак ёшидаги болаларда касалликнинг клиник кечиши ва анатомик шаклига қараб ўтказилган Болей ва Лёнюшкин модификацияси бўйича Соаве ҚОПП операцияси натижалари (ретроспектив) таҳлил қилинди. Таҳлилга кўра 78,1 % болаларда Соаве-Болей операцияси амалга оширилган, шулардан 9,4% ҳолларда операция бир вақтнинг ўзида колостома бартараф этилган. 3-6 ойлик 3 нафар (9,4%) болаларга Соаве-Лёнюшкин операция тури ўтказилди, шундан 1 нафар беморга бир вақтнинг ўзида колостомани бартараф этилган. Болей ва Лёнюшкин модификацияси бўйича Соаве ҚОПП операциясига кўрсатма ГКнинг проксимал (тотал ва субтотал) шакллари, колостомалар, узун аганглиоз зонали ректосигмоидал шакллари бўла олади.

Эрта операциядан кейинги асоратлар касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлили ва беморларни бевосита кузатиб бориш жараёнида ўрганилди. Операциядан кейинги даврда оғриқсизлантириш давомийлиги ўртача 4 ± 1 кунни ташкил этди; энтерал озиқлантириш

операциядан кейин 4 ± 2 кунда бошланди. Ўрта ҳисобда ушбу гуруҳдаги болалар реанимация бўлимида 5 ± 2 койко-кун бўлган, стационардан 24 ± 10 кундан сўнг чиқарилган.

Назорат гуруҳида хирургик даволашнинг кечки натижалари 27 нафар (84%) беморда катамнестик қабул вақтида сўровнома, беморни бевосита ва электрон мулоқот, болалар ота-онаси томонидан анкета тўлдириш йўллари билан ўрганилди. Назорат гуруҳининг 10 (37%) нафар болада жуда яхши натижа қайд этилди. 6 нафар (22%) болада яхши натижа қайд этилди, 7 нафар (26%) – қониқарли натижа, қониқарсиз натижа эса 4 нафар (15%) беморда қайд этилди (1 расм).



1 расм. Соаве модификацияси бўйича ҚОППдан кейин кечки асоратлар

Асосий гуруҳидаги ГЖга чалинган беморларнинг хирургик даволаш натижалари

2017–2020 йилларда 34 нафар чақалоқ ва кўкрак ёшдаги болаларга ГЖнинг дистал ва колостома қўйилмаган шакиларида ЙИТЭТ (Де Ла Торре-Мондрагон) усули бўйича радикал операция амалга оширилди.

ГЖнинг тотал ва субтотал шакллари, декомпенсацияланган (ўткир) даври, ГАЭЖ, оғир соматоневрологик фон, анал соҳанинг касалликлари ва ўсмалари, тўғри ичак ампуласи чуқур эрозив яралари ва перианал соҳанинг йирингли яллиғланишлари операцияга қарши кўрсатма деб ҳисобланади.

Кўкрак ёшдаги болаларда чаноқ туби аъзолари ривожланишининг анатомио-физиологик хусусиятларини инобатга олиб, биз ЙИТЭТ нинг асл техникасига қўшимчалар киритдик

-Ташқи демукозацияланган сероз-мушак цилиндрнинг узунлиги муҳим аҳамият касб этади, у чанок бўшлиғига қорин пардасининг ўтувчи сатҳида тушиб туриши учун узунлиги 3-5 см дан ошмаслиги керак. Операциянинг (асл) вариантларида келтирилганидак футлярнинг орқа юзаси бўйича қўшимча бўйлама кесишни биз қилмаймиз. Натижада футляр мушакларидан қон кетиши шунда кузатилмайди. Нервлар, ичакни ўраб турувчи чанок тузилмалари зарарланишининг олди олинади, аганглионар узун цилиндр томонидан туширилган ичак эзилиб қолиши ҳам бартараф этилади.

-Сигмасимон ичакнинг қўшимча сиртмоғи йўқлиги ва аганглионар соханинг узунлиги инобатка олиб, биз анастомозни чоклар очилиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида шартли соат циферблати бўйича 9, 12, 3 да туширилган ичак ва ташқи футляр орасига қўшимча мустаҳкамловчи чокларни қўйишни тавсия қиламиз. Бу туширилган ичак каналида мустаҳкам туришга ёрдам беради ва унинг ретракциясининг олдини олади. Колоректал анастомоз одатда бир қатор тугунли чоклар билан қўйилади.

-Операциядан кейинги даврда барча ҳолларда тўғри ичакда анастомозни нажасдан ҳимоя қилиш учун иширилган 26–30 ўлчамдаги Фоллей катетери қолдирилади.

ЙИТЭТнинг ютуқлари кўпдир. Булар: радикалик; кам жароҳатланиш; бир босқичда ўтиши; қорин бўшлиғи ва кичик чанок аъзолари томонидан асоратлар йўқлиги ёки минимал бўлиши; операциядан кейинги даврни силлиқ кечиши; операциядан 1 кун ўтиб энтерал озиқлантириш имкони бериши; койко-кунлар ва иқтисодий ҳаражатларнинг қисқариши. Мазкур методика қўшни чанок аъзоларининг (уретра, простата беzi, уруғ қопчаси) операцион жароҳатларини минимал бўлишини таъминлайди, бу ўз навбатида сийиш актининг бузилиши ва келажакда репродуктив аъзолар патологиясини олдини олади.

Асосий гуруҳда хирургик даволашнинг кечки натижалари 29 нафар (85%) беморда ўрганилди. Мазкур гуруҳининг 13 нафар (45%) болада жуда яхши натижага эришилган. 8 (27.5%) яхши натижа қайд этилди, 5 нафарида (17%) – қониқарли натижа, қониқарсиз натижа 3 нафар (10%) беморда қайд этилди. ЙИТЭТ нинг ҚОПП га нисбатан ютуқларига қарамасдан асосий гуруҳнинг 23 % кечки асоратлар пайдо бўлиши кузатилди (2 расм).



2 расм. Асосий гуруҳ беморларда кечки асоратлар.

14% ҳолатларда колоанал анастомоз ва нажас суркалиши қайд этилди; 4,1 % ҳолатда – сурункали колит. Барча асоратлар мақбул реабилитацион тадбирлар ёрдамида бартараф этилди (физиотерапия, ДФК, электростимуляция, БОС терапия).

Операциядан кейинги даврда ГК билан оғриган беморларни даволаш натижаларини солиштира баҳолаш

Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида қўлланилган методикаларни қуйидаги параметрлар бўйича таққослаш амалга оширилди: анестезия турлари (5 жадвал), опрециянинг давомийлиги (6 жадвал), инфузион ва парентерал терапия характери, энтерал озиқлантиришни бошланиши, операциядан кейинги оғриқсизлантириш давомийлиги (7 жадвал). Илк ва кечки операциядан кейинги асоратлар солиштира таҳлили бажарилди.

5 жадвал

Таққослаш гуруҳларида наркоз юбориш турлари ва усуллари

		Асосий гуруҳ (ЙИТЭТ), n=34		Назорат гуруҳи (ҚОПП), n=32		Натижа	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
Наркоз тури	Интубацион	11	32,4±8,1*	32	100±0,0	43	65,2±5,9
	Спинал	11	32,4±8,1	-	-	11	16,7±4,6
	Интубацион+спинал	12	35,3±8,3	-	-	12	18,2±4,8
Жами		34	51,5±6,2	32	48,5±6,2	66	100

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*-P<0,001)

5 жадвалда кўрсатилгандек, асосий гуруҳда 32,4% беморларда спинал анестезия, лапароскопик ЙИТЭТ операциясида 32,4% беморларда интубацион наркоз, 35,2% беморларда эса комбинирланган наркоз қўлланилган. Назорат гуруҳида барча беморларга интубацион наркоз ишлатилган.

6 жадвал

Таққослаш гуруҳларида операция давомийлиги

	Асосий гуруҳ (ЙИТЭТ), n=34	Назорат гуруҳи (ҚОПП), n=32	P
Операция давомийлиги (дақиқалар)	132±6*	165±7	P<0,001

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*-P<0,001)

Операция давомийлиги кўрсаткичида кескин фарқ аниқланади. Соаве бўйича ҚОПП ўртача 165±7 минут сарфланган. ЙИТЭТ операциясида эса ўртача 132±6 минут сарфланган.

7 жадвал

Асосий гуруҳва назорат гуруҳларида операциядандан кейинги таққослаш характеристикаси

		Асосий гуруҳ (ЙИТЭТ),n=34		Назорат гуруҳи (ҚОПП),n=32	
		абс.	%	абс.	%
Операциядандан кейинги терапия	1. Парентерал терапия:	34	100	32	100
	2. Гемостатик терапия	34	100	32	100
	3. Инфузион терапия	34	100	32	100
	4. Режали оғриқсизлантириш:	34	100	32	100
	5. Антибактериал терапия	34	100	32	100
	Энтерал озиқлантириш:	-	-	-	-
	1-2 сутка	34	100	-	-
	3-6 сутка	-	-	32	100
	Умумий койко-кун	17,4±1,1*		24,5±1,3	

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*-P<0,001)

Назорат гуруҳида умумий койко-кун $24,5 \pm 1,3$ суткани ташкил қилса, асосий гуруҳда эса $7,4 \pm 1,1$ суткани ташкил этади. Асосий гуруҳдаги болалар назорат гуруҳига нисбатан статик жихатдан сезиларли даражада касалхонада камроқ бўлишган. Энтерал озиқланиш асосий гуруҳда операциядан кейинги даврда 1-2 суткада бошланган, бу ўз йўлида болаларнинг асосий ҳолатининг тез яхшиланишига олиб келган.

Операциядан кейинги эрта даврда назорат гуруҳида ичаклар дисфункцияси 16 нафар (50%) беморларда, асосий гуруҳда – 6 нафар (18%) беморларда кузатилди. Энтероколитнинг авж олиши назорат гуруҳида (8 та бемор) асосий гуруҳ беморларидан (4 та бемор) икки баробар кўпроқ қайд этилди. Кечки операциядан кейинги асоратлардан (операциядан кейин 6 ойдан сўнг) колоанал анастомоз стенози асосий гуруҳ беморларининг 6,8% ни, назорат гуруҳида – 7,4% ни ҳолатларда; нажасни тута олмаслик асосий гуруҳ беморларида аниқланмади, назорат гуруҳида 7,4% ҳолатида қайд этилди. Сурункали колитни биз асосий гуруҳ беморларининг 10,3% да, назорат гуруҳида – 14,8 %ида аниқладик. Сурункали қабзият бўйича таққосланаётган гуруҳлада сезиларли даражада фарқ мавжудлиги қайд этилди. Шундай қилиб асосий гуруҳдаги 3,4% болада, назорат гуруҳидаги 7,4% болаларда сурункали ич қотиши кузатилди. Спайка касаллиги фақат назорат гуруҳи беморларида қайд этилди (4,8%) (8 жадвал).


8 жадвал

Иккала гуруҳдаги илк ва кечки операциядан кейинги асоратлар

Эрта операциядан кейинги асоратлар	Асосий гуруҳ (ЙИТЭТ), n=34		Назорат гуруҳи (ҚОПП), n=32		P
	абс.	%	абс.	%	
Анастомоз чокларининг тутмаслиги	1	$2,9 \pm 2,9$	-	-	$>0,05$
Энтероколит	4	$11,8 \pm 5,6$	8	$25,0 \pm 7,8$	$>0,05$
Ичаклар дисфункцияси (3-6 кун)	6	$17,6 \pm 6,6$	16	$50 \pm 8,7$	$<0,001$
Кечки операциядан кейинги асоратлар	Асосий гуруҳ (ЙИТЭТ), n=29		Назорат гуруҳи (ББПП), n=27		
	абс.	%	абс.	%	
Колоанал анастомоз стенози	2	6,8	2	7,4	
Нажас тута олмаслик	-	-	2	$7,4 \pm 6,6$	$>0,05$
Нажас суркалиши	2	$6,8 \pm 5,8$	-	-	$>0,05$
Сурункали колит	3	$10,3 \pm 5,8$	4	$14,8 \pm 10,5^*$	$<0,05$
Сурункали қабзият	1	$3,4 \pm 1,2$	2	$7,4 \pm 5,5^*$	$<0,05$
Спайка касаллиги	-	-	1	$4,8 \pm 4,8$	$>0,05$
Ўлим кўрсаткичи	-	-	-	-	

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*- $P < 0,001$)

Клиник кечиш ва даволаш натижаларининг таҳлили асосида биз томонимиздан янги туғилган чақалоқ ва кўкрак ёшдаги болалар ГКни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (3 расм).



3 расм. ГК билан оғриган чақалоқ ва кўкрак ёшдаги болаларни диагностикаси ва даволашнинг алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

«Чақалоқларда ва кўкрак ёшидаги болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволаш тактикаси ва усулини танлаш» мавзусидаги фалсафа

доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйдаги хулосалар тақдим этилди:

1. Чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКнинг типик клиник-рентгенологик намоён бўлиши фақат 65 % ҳолатларда қайд этилади, шу ёшдаги беморларнинг 35 %да касаллик атипик шаклда кечади. Чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда ГКнинг клиник-рентгенологик текширув сезувчанлиги 88% ни ташкил этади.

2. Кўкрак ёшдаги ёшидаги болаларда ГКнинг энтероколитсиз, колостомасиз ва дистал шаклларида ЙИТЭТ мақбул танлов усули ҳисобланади, проксимал шаклларида эса – бир вақтнинг ўзида колостома бартараф этилиши билан Соаве бўйича ҚОПП (Болей ва Лёнюшкин) усули тавсия этилади.

3. Гиршпрунг касаллигининг дистал шаклларида йўғон ичакнинг супрастенотик кенгайган соҳасидаги дисганглионар ўзгаришларни морфологик текшируви натижаларига асосланиб ичак резекциянинг оптимал юқори чегараси 5 см дан кам бўлмаслиги лозим.

4. Гиршпрунг касаллигининг шистал шакли, компенсация ва субкомпенсация даври, энтероколит ремиссия даври ЙИТЭТ операциясига кўрсатма бўла олади. ГКнинг дистал шаклида ЙИТЭТни амалга ошириш учун энг оптимал ёш – бу 1 ойдан 6 ойгача бўлган давр. Бу даврда самарали равишда ва кам хавф билан ичакни эндоректал тушириб олиш мумкин. ЙИТЭТ усули операциядан кейинги даврнинг асоратсиз кечишини, эрта энтерал ўзлаштиришни таъминлайди ва койко кунларни қисқартиради.

5. Чақалоқларда ва кўкрак ёшдаги болаларда ГК ташхислаш ва даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш даволаш тактикаси ва хирургик усулни тўғри танлашга имконият беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 04/30.12.2019.Tib.102.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМРОЕВ УЛУГБЕК АБДУРАШИДОВИЧ

**ВЫБОР ТАКТИКИ И СПОСОБА ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ
БОЛЕЗНИ ГИРШПРУНГА У НОВОРОЖДЕННЫХ И ГРУДНЫХ ДЕТЕЙ**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019/2/PhD/Tib1012

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sammi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Салимов Шавкат Тешаевич
доктор медицинских наук, профессор

Шамсиев Жамшид Азаматович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Таджикский государственный
медицинский университет имени Абу
Али ибн Сина**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022г. в _____ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском Государственном медицинском институте. (Адрес: город Самарканд, улица Мирзо Улутбека, дом №70, 2-клиника СамГосМИ (Специализированный многопрофильный центр детской хирургии) Тел/факс:8(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского института (зарегистрирована за №____). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, дом 18 Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.

(протокол рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года).

А. М. Шамсиев

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.З. Шодикулова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

Ж.О. Атакулов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире врожденные пороки остаются одной из важных причин детской смертности. Болезнь Гиршпрунга (БГ) является одним из врожденных пороков толстой кишки и составляет большую долю среди патологий у детей. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...в общей структуре врожденных пороков доля патологии желудочно-кишечного тракта составляет до 25 % из всех пороков и занимает третье место... частота осложнений в раннем послеоперационном периоде составляет 9,1-77%, что приводит к неудовлетворительным функциональным результатам лечения и в 13% случаев возникает необходимость к повторным реконструктивным операциям»³. В настоящее время для предотвращения тяжелых осложнений, врожденных пороков развития, выбор методов лечения с учетом патогенетических механизмов, совершенствование хирургической тактики является одним из важнейших проблем в медицине.

В мире, с целью ранней диагностики болезни Гиршпрунга, определение факторов приводящих к развитию и острому течению заболевания, совершенствования методов лечения и профилактики, проводятся ряд целенаправленных научных исследований. В связи с этим, выбор уровня резекции в зависимости от анатомической формы, течения болезни и внедрение методов профилактики послеоперационных осложнений при хирургическом лечении врожденных пороков толстого кишечника у новорожденных и грудных детей, имеет особое значение, что послужило поводом для проведения научных исследований, направленных на совершенствование комплекса лечебных мероприятий.

В настоящее время в нашей стране предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи, в частности, в улучшении качества диагностики и результатов лечения детей с врожденными аномалиями, достигнуты положительные результаты. Поставлены задачи по «...Повышение качества специализированной медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, дальнейшее реформирование системы экстренной медицинской помощи, профилактика инвалидности...»⁴. В соответствии с этим, улучшение результатов лечения БГ и снижение частоты инвалидности и смертности у новорожденных и грудных детей путём оптимизации ранней диагностики, и совершенствования хирургического лечения на основании результатов метода трансанального эндоректального низведения толстой кишки (ТЭНТК)

³World Health Organization. Congenital anomalies. fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. <http://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies>.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» от 7 февраля 2017 года.

с учетом атрофии и дисганглиоза нервных пучков в проксимально супрастенической расширенной части, является одним из актуальных направлений и имеет большое научное и практическое значение.

